

**ВАЛЮТА АЙРБОШЛАШ ЖАРАЁНИДА МИЖОЗНИ
ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛУВЧИ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аброров Сирожиддин Зухриддин ўғли
PhD, катта ўқитувчи Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Аннотация

Бугунги кунда тижорат банклари мижозларни текшириш учун фуқоролардан шахсини тасдиқловчи тегишли хужжатлар талаб этиб келишмоқда. Аксар ҳолларда тижорат банклари паспорт сўраса, айрим тижорат баклари қўшимча равишда ҳайдовчилик гувоҳномасидан ҳам фойдаланмоқда. Ушбу жараённи соддалаштириш ва қулайлаштириш мақсадида биометрик маълумотлардан фойдаланувчи замонавий технологиялардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Тижорат банкларида валюта айрибошлиш жараёнига мижозни идентификация қилишга мўлжалланган Touch ID тизимини яратиш лойиҳаси жорий масалага қаратилган.

Калит сўзлар: Тижорат банки, идентификация, биометрик маълумотлар, Touch ID, валюта.

Кириш

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сон Фармонидаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуруси ҳузуридаги солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2886)да белгиланган талаблар билан бевосита боғлиқ. Лойиҳа тегишли талаблар ижроси бажарган ҳолда мижозларга қўшимча қулайлик яратиш имконини беради. Валюта айрибошловчи мижоздан хужжатлар талаб қилмасдан уларни лозим даражада текшириш ишкониятини тақдим этади.

Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва сўровномалар лойиҳани амалга ошириш заруратини кўрсатиб берди.

Валюта сиёсати масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқотлар жаҳондаги бир қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, International Monetary Fund, World Bank, US Federal Reserve Bank, Bank of China (Хитой), Bank of Korea (Жанубий Корея), Bank of Singapore (Сингапур), Национальный банк Республики Казахстан (Қозоғистон); Центральный банк Российской Федерации, Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, Санкт-Петербургский государственный университет (Россия) каби муассасаларда олиб борилмоқда

Жаҳон тажрибасида Touch ID Exchange тизимини айнан тақрорлайдиган аналоги бўлмаса ҳам банк фаолиятида биометрик маълумотларга асосланган тизимлардан кўплаб мамлакатларда фойдаланилади.

Асосий қисм

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш департаментининг қарори иловасининг 22-бандида Тижорат банклари жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдорда чет эл валютасининг сотиб олиниши ҳолларида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари кераклиги белгиланган. Ҳозирда тижорат банклари мижозларни текшириш учун фуқоролардан шахсини тасдиқловчи тегишли хужжатлар талаб этиб келишмоқда. Лойиҳа орқали ушбу норматив талаб ижроси бажарилган ҳолда мижозлардан шахсини тасдиқловчи хужжатлар талаб этилишига ҳожат қолмайди ҳамда банк мижозларининг ортиқча норозиликларини олдини олишига сабаб бўлади. Яъни лойиҳадан кўзланган мақсад биометрик маълумотлар асосида валюта айирбошлиш жараёнида ортиқча хужжатбозликни камайтириш ва жараённи соддалаштириш ҳисоблагнади.

Хорижий тажрибани ўрганиш

Валюта сиёсати масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқотлар жаҳондаги бир қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, International Monetary Fund, World Bank, US Federal Reserve Bank, Bank of China (Хитой), Bank of Korea (Жанубий Корея), Bank of Singapore (Сингапур), Национальный банк Республики Казахстан (Қозоғистон); Центральный банк Российской Федерации, Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, Санкт-Петербургский государственный университет (Россия) каби муассасаларда олиб борилмоқда

Жаҳон тажрибасида Touch ID Exchange тизимини айнан тақрорлайдиган аналоги бўлмаса ҳам банк фаолиятида биометрик маълумотларга асосланган тизимлардан кўплаб мамлакатларда фойдаланилади.

Россия. 2018 йил 19 февралдан «Ростелекон» жорий қылган марказлашган тизимга Сбербанк, ВТБ, «Почта банк», Альфа-банк, Россельхозбанк, СКБ-Банк, Райффайзенбанк, «Хоум кредит», Совкомбанк, «АК барс», Промсвязьбанк, «Тинькофф банк» кабилар уланган. 2021 йилга келиб, 233 банкка қарашли 13400 пунктларда ягона биометрик тизимдан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу эса берилган маълумотга кўра, Россиянинг 95% ҳудудини қамраб олади. Бу кўрсаткич домий равишда ўзгариб боради. Қўйидаги ҳавола орқали банклар рўйхати билан танишиш мумкин: [https://www.cbr.ru/fintech/digital biometric id/credit/](https://www.cbr.ru/fintech/digital_biometric_id/credit/)



1-расм. Россия ягона биометрик тизими.

Япония. Япония банки ҳисобланган Ogaki Kyoritsu мижозларни ўз қўли билан туғилган санасини киритиши орқали идентификация қилиш тизимини киритган. Япониядаги 11 энг ярик ҳисобланган банклар ҳам биометрик маълумотлардан фаол фойдаланади. Расмий маълумотларга кўра Япония миллий банки 2017 йилда фойдаси 4,7 %га ўсган бўлса, Ogaki Kyoritsuda бу кўрсаткич 8,2%ни ташкил этган.



2-расм. Биометрик маълумотлар билан ишловчи банкомат.



З-расм. Биометрик маълумотлар билан ишловчи банкомат.

Беларусия. Яқоридагига ўхшаш тизим Беларусияда ҳам жорий этилган. 2015 йилдан ОАО «Белгазпромбанк» ва ОАО «Белинвестбанк», 2017 йилдан ОАО «АСБ Беларусбанк», ЗАО «Альфа-Банк», ЗАО «Банк ВТБ»да банк операциялари тасдиқлаш учун Touch ID тизимидан фойдаланиш бошланган. Бу технология мижазларга қўйимча қулайлик яратиш билан жараённи икки баробар тезлаштирган. ОАО «Приорбанком»да 2015 йили жорий этилган бошқа бир биометрик тизим орқали колл марказлардаги кўнғироқларни қайта ишлаш жараёнини 3 баробарга қисқартиришга эришилган.

Кутилаётган самарани баҳолаш. Лойихани амалга оширишдан аввал “Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази томнидан тижорат банкининг 14 та филиалида сўровнома ўтказилган бўлиб, унда жами бўлиб 1390 нафар респондентлар жалб этилди, уларнинг 782 нафарини банк ходимлари ва 608 нафарини эса банк мижозлари ташкил этди. Сўровномада бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга бўлган муносабати сўралгандан банк мижозларининг 76,8 фоизи, банк ходимларининг 82,3 фоизи янги амалиётни жорий этиш тарафдори эканлигини кўрсатди. Бу тизимга қарши бўлганлар эса ўз навбатида банк мижозларида 16,0 фоизни ва банк ходимларида эса 7,8 фоизни ташкил этди

1-жадвал.

Банк ходимлари ва мижозларининг бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга бўлган муносабати

Бармоқ изини сканерлаш амалиётини жорий этишга муносабатингиз?	Банк мижозлари	Банк ходимлари
	%	%
Тўлиқ қўллаб-қувватлайман	60,3	55,2
Қўллаб-қувватлайман	16,5	27,1
Унчалик қўллаб-қувватламайман	9,2	5,5
Умуман қўллаб-қувватлайман	6,8	2,3
Менга фарқи йўқ	4,1	6,8
Жавоб беришим кийин	3,1	3,2

Янада ривожланиш йўналишларини белгилаш. Лойида Touch ID Exchange дастури билан биргаликда тижорат банклари учун валюта айирбошлиш хизматларидан фойдаланган мижозлар базаси ҳам шакланади. Жорий базадаги маълумотлардан кейинчалик тижорат банкининг омонатларни қабул қилиш, кредитлар ажратиш пул ўтказмалари билан боғлиқ хизматларда ҳам фойдаланиш орқали лойиҳани янада ривожлантириш мумкин. Шунингдек, Марказий банк томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда валюта айирбошлиш хизматларидан фойдаланган мижозлар базасини тижорат банклари даражасида эмас республика даражасига олиб чиқиш мумкин.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Лойиҳа 2022 йил 31 декабрга қадар тўлиқ жорий этиш кўзда тутилган. Лойиҳа жорий этилгандан сўнг тижорат банкларининг фаолиятларига аралашмаслик ва банк сирларини ҳимоялаш мақсадида тегишли барча кириш калитлари тижорат банкларига тақдим этилади. Кейинчалик ахборот тизимини тижорат банклари томонидан кузатиб борилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мавжуд қонунчилик, хусусан, O‘zDSt ISO/IEC 13335-1, O‘zDSt ISO/IEC 15408-1, O‘zDSt ISO/IEC 15408-2, O‘zDSt ISO/IEC 15408-3, O‘zDSt ISO/IEC 27001, O‘zDSt ISO/IEC 27002, O‘zDSt 2814 рақамли давлат стандартлари доирасида амалга оширилади.

Тизимга кириш ва маълумотлар хавфсизлиги учун қуйидаги воситаларидан фойдаланилади:

электрон рақамли имзо;

парол тизими;

хавфсиз алоқа канали;

ҳар бир фойдаланувчининг ҳаракатларини ёзиб олиш.

Ахборотни муҳофаза қилиш ахборот ресурсларига рухсациз киришни олдини олувчи ташкилий чора-тадбирлар ва дастурий-техник воситалар ва ахборотни ҳимоя қилиш воситалари мажмуини ўз ичига олади. Тизим уларни қайта ишлаш жараёнида маълумотларнинг яхлитлигини, мавжудлигини ва махфийлигини таъминлайди.

Тизимга кириш фақат авторизация қилинган фойдаланувчиларга, уларнинг тизимдаги ролларини ҳисобга олган ҳолда берилади. Ўрнатиш ва кириш ҳуқуқларини ўзгартириш фақат тизим маъмури томонидан амалга оширилади.

Серверга кириш ва/ёки тизимга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчилар учун Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабига мувофиқ тизимга киришда парол қўлланилади.

Тизимнинг носозликларга чидамлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун тизим журнallарини доимий равишда сақлаш таъминланади

Рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш, шунингдек, тармоқ ҳужумларининг олдини олиш учун хавфсизлик девори аппарат ва дастурий таъминотидан фойдаланилади.

У операцион тизим (захира) ва захира маълумотлар базасига маълумотлар базасидаги ўзгаришларни автоматик равишда нусхалаш ёрдамида амалга оширилади.

Тизимнинг ишлаши пайтида қуйидаги фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин:

- электр таъминотининг этишмаслиги ва кучланишнинг пасайиши;

- алоқа линиясининг йўқлиги (узилиши);

- техник воситаларнинг ишдан чиқиши;

- заарали дастурларнинг мавжудлиги;
- синов ва синовдан ўтказиши босқичларида аниқланмаган хатолар туфайли дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши;
- менежер ёки техник ходимларнинг ишидаги хатолар.

Тизим маълумотларни захиралаш ва тиклаш воситаларини тақдим этилади. Тизим ўз маълумотлар базасининг захира нусхасини, шунингдек тизимни тиклаш учун ишлатилиши керак бўлган тизим созламаларини таъминлайди. Нусхалар ўзгарувчан бўлмаган муҳитда сақланиши ва янги маълумотлар пайдо бўлиши билан ва/ёки кунига камидан бир марта вақти-вақти билан янгиланади.

Тизимнинг техник воситалари қувватнинг кескин ўзариши ва кутилмаган электр узилишларидан ҳимоя қилиш учун узлуксиз қувват манбалари (UPS) билан жиҳозланган бўлади.

Атроф-муҳитнинг хусусиятлари Мехнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ бўлади.

Тизим Марказий банкнинг ахборотни ҳимоя қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларига мувофиқ хавфсизлик сиёсатига мос келиши керак. Хавфсизлик мақсадлари ва сиёсатлари вақти-вақти билан кўриб чиқилади. Тизим билан ўзаро алоқалар хавфсиз алоқа каналлари орқали банк телекоммуникация тармоғи орқали ташкил этилади.

Хунос

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларга қўра, тижорат банкларида валюта айирбошлиш учун келган мижозларнинг деярли ҳар иккитад биттаси шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан муаммога дуч келган. Банк мижозларидан паспорт ва ID картаси билан боғлиқ муаммо сабаблари сўралганда, кишиларнинг ўз паспортларини ҳар доим ўzlари билан олиб юрмасликлари ва уни одатда уйда унутиб қолдиришлари жавоблари мутлоқ кўпроқ улуш, яъни 62,0 фоизга (иккита жавоб вариантлари қўшилганда) эга бўлди. Булардан ташқари, 22,3 фоиз респондентлар 100 доллардан ортиқ хориж валютасини харид қилиш учун паспорт ёки ID картаси тақдим этиш талаби борлигидан хабари йўқ бўлган. Респондентларнинг валюта айирбошлиш пайтида ёнларида паспорт бўлмагандан кейинги хатти-харакатлари таҳлил қилинганда, уларнинг 38,1 фоизи қайта овора бўлиб ўз паспортларини олиб келишларига, 19,2 фоизи валютани бошқа шахс номига расмийлаштиришга, 16,9 фоизи эса валютани қора бозордан алмаштиришга мажбур бўлганликлари аниқланди. 18,8 фоиз банк мижозлари ўз навбатида валюта айирбошламасдан банклардан кетишларига тўғри келган.

Лойиха орқали юқорида келтирилган муаммолар бартараф этилиши, қора бозор улушкини камайтиришга, мижозларга қўшимча қулайлик яратишга, жараённи соддалаштириш ва тезлаштиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Swan T.W. Economic growth and capital accumulation. *Economic Record* (Wiley) 32 (2), 1956. pp. 334–361; Peter L. Swan. Trevor Winchester Swan AOANU Inaugural Trevor Swan Distinguished Lecture. 23rd of May 2006;
2. One world, one money. Robert Mundell and Milton Friedman debate the virtues—or not—of fixed exchange rates, gold, and a world currency. Policy options, May 2001 (<http://policyoptions.irpp.org/magazines/one-world-one-money/mundell-and-friedman-four-key-disagreements/>)
3. Наговицин В. Н. Валютная политика. – М.: «Экзамен», 2000. -176 с.
4. Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. 184-б.
5. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.